

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020. Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСРАНБАЕВА МУНОЖАТХОН ХАЛИМЖАНОВНА**

**НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАРДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератига мундарижа**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
pedagogical Sciences**

**Асранбаева Муножатхон Халимжановна**

Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик  
механизмлари ..... 3

**Асранбаева Муножатхон Халимжановна**

Педагогические механизмы подготовки к социальной жизни детей в неполных  
семьях ..... 27

**Asranbayeva Munojatxon Halimjanovna** .....

Pedagogical mechanisms of preparing children for social life in single-parent  
families ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 55

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020. Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСРАНБАЕВА МУНОЖАТХОН ХАЛИМЖАНОВНА**

**НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАРДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.Phd/Ped1240 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аскарова Ўғилой Мамашакировна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Азимова Зиёда Эргашевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Олимов Ширинбой Шаропович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Кўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 12 соат 9 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2020 йил «19» 12 кuni тарқатилди.  
(2020 йил «19» 12 даги 8 - рақамли реестр баённомаси).



**С.Т.Тургунов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**И.И.Солиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

**Т.А.Эгамбердиева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг тарбияси ва таълим олиши учун етарли шарт-шароит яратиш, соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор йўналиш сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, Германия, Япония ва Россияда болаларни оила муҳитида тарбиялаш ва ривожлантиришнинг инновацион тизимлари ишлаб чиқиладиганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Нотўлиқ оила болаларида ижтимоий тажрибани шакллантириш, уларни ҳаётга тайёрлашда педагог ходимларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, педагогик қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Дунёда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг модернизациялашган тарбия тизимини ишлаб чиқиш, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш моделини такомиллаштириш, етим ва нотўлиқ оила болаларида ижтимоий тажрибани шакллантириш, унинг диагностик механизмларини ривожлантириш, болаларнинг ижтимоийлашувини таъминлашда маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашнинг интеграллашган моделларини ишлаб чиқиш, нотўлиқ оила болаларини девиант хулқ-атвор профилактикаси ва коррекциясига доир ижтимоий-педагогик тарбия технологияларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда етим ва нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон тажрибаси асосида инновацион тарбия технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, дастурий босқичма-босқич ижтимоий етимликнинг олдини олишнинг профилактик тизимини ишлаб чиқиш, нотўлиқ оилада тарбияланаётган болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Етим ва нотўлиқ, кам таъминланган оилалар болаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, «Оила ва никоҳ», “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда республикамизда оила, оила маънавияти, замонавий оила демографияси масалаларига доир қатор изланишлар А.Мунавваров, О.Хасанбоева, О.Мусурмонова, М.Қуронов, Н.Ортиқов, У.Маҳкамов, Ш.Атаджанова, Э.Тўхтамуродов, Н.Эгамбердиева, Г.Юсупова, Г.Хрульнова, Ў.Асқарова, Д.Маджидова, Ю.Шаамирова, Н.Махмудова, М.Яхяевалар каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган бўлиб, кам таъминланган ва етим болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг айрим жиҳатлари ёритиб берилган бўлса, психолог олимлардан М.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, Р.Суннатова, Э.Сатторов, Н.Соғинов, Ш.Дўстмухаммедова, З.Нишонова, Ф.Ақромова, Ш.Жўраева, М.Утепберганов ва Р.Самаровлар оиланинг тузилиши ва асосий вазифалари, оилавий муносабатлар психологиясини тадқиқ этганлар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида А.Аксенов, И.Байтингер, О.Бережная, Ю.Василькова, И.Воропаева, Ю.Галагузова, В.Кондрашин, З.Дорогонько, О.Дорожкина, М.Жданова, Ю.Музаева, Ю.Полоцкая, В.Юницкий каби олимларнинг тадқиқотларида мактаб-интернат ўқувчиларини ижтимоийлаштиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, нотўлиқ оилада болаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш, ижтимоий-педагогик мослаштириш, психик ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ижтимоий мослаштиришнинг механизмларини такомиллаштириш, нотўлиқ оила типидagi болалар уйларида ўқувчиларнинг мослашувини таъминлашнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитлари, болалардаги девиант хулқ-атвор коррекцияси масалалари ёритиб берилган.

Нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш муаммоларига доир хорижий олимлар Дж.Боулби, К.Броун, У.Гольдфарб, Е.Дональдсон, Р.Джонсон, С.Нелсон, Р.Картер, шунингдек, Францияда А.Вилли, Э.Дюркгейм, П.Жане, Германияда Т.Шрайбер, АҚШда К.Бюлер, В.Мэтьюза, Дж.Брунер, С.Холл, У.Джеймс, Д.Чейни, Швейцарияда Э.Клапаред ўз илмий изланишларида болаларда юзага келадиган эмоционал, хулқ-атвор ва интеллектуал муаммолар, болалар уйларини ташкил этишнинг ижтимоий-психологик, социологик, фалсафий жиҳатларини ёритиб берганлар. Бироқ нотўлиқ оила болалари ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик

механизмларини такомиллаштириш масаласи бўйича махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** этиб қуйидагилар белгиланган:

“нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш” тушунчасининг педагогик моҳиятини очиб бериш орқали унинг тузилмаси ва компонентларини аниқлаш;

“Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик профилактикасини такомиллаштириш;

геронтопедагогик ёндашув асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш;

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнига компетенциявий ёндашувни татбиқ этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** этиб нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёни белгиланиб, унда Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Учқўрғон тумани, Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Избоскан тумани, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри, Ёзёвон туманларидан 214 нафар респондент иштирок этишди.

**Тадқиқотнинг предмети** — нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мазмуни ва ижтимоий-педагогик хусусиятларидир.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи: назарий (таҳлилий, синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнининг тузилмаси (компонентлари, устувор йўналишлари, мезонлари) яқин катталарнинг тарбиявий таъсирини мақбуллаштириш, тарбия жараёнига шахсга йўналтирилган, герменевтик ва психотерапевтик ёндашувларни адаптив қўллаш билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

умумтаълим мактаби ва маҳалла ҳамкорлиги асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-профилактик хусусиятлари (фаолият мақсади, натижавийлиги) миллий анъаналар, яқин қўшничилик, мурувват ва саховат фазилатларининг праксиологик имкониятларини реал баҳоланишига эришишга устуворлик бериш орқали аниқлаштирилган;

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг геронтопедагогик моделининг амалий компоненти авлодлараро ҳамкорлик,

маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, миллий тарбия методларининг (ибрат, намуна, дахлдорлик, ҳамдардлик, босиклик, мулоҳазакорлик) кундалик турмуш тарзига таъсири барқарорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

компетенциявий ёндашув асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда синф раҳбари, мактаб психологи, ижтимоий иш ходимининг “Маънавият ва маърифат” маркази худудий бўлимлари мутахассислари билан ҳамкорлигини тизимли ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тузилмаси ва асосий йўналишлари аниқлаштирилган;

умумтаълим мактаби ва маҳалла ҳамкорлиги асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-профилактик технологияси такомиллаштирилган;

геронтопедагогик ёндашув асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга доир маънавий-ахлоқий компетенциялар тизими аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда маънавиятни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар тадқиқотлари, шунингдек, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш фаолиятини ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи методларнинг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти изланишлар натижасида нотўлиқ оила болаларини ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ижтимоий тажрибани ўзлаштириш даражасини аниқловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги; нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашнинг тарбия тизимини асосий йўналишлари ва ижтимоий-педагогик омилларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, педагогик олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик психология, оила педагогикаси, оила психологияси, ижтимоий педагогика каби фанлар бўйича такомиллаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқишда нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга доир компетенцияларнинг аниқлаштирилганлиги; нотўлиқ оилаларда ташкил этиладиган тарбиявий

фаолиятни модернизациялашнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмлари бўйича олинган натижалар асосида:

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдаги геронтопедагогик моделнинг амалий компонентини такомиллаштириш, авлодлараро ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, миллий тарбия методларининг кундалик турмуш тарзига таъсири барқарорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Болалар психологияси ва психодиагностикаси” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғи, 434-241 рақамли гувоҳнома). Натижада бўлажак педагог-психологларнинг нотўлиқ оилалар билан олиб борадиган ижтимоий-психологик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

компетенциявий ёндашув асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда синф раҳбари, мактаб психологи, ижтимоий иш ходимининг “Маънавият ва маърифат” маркази худудий бўлимлари мутахассислари билан ҳамкорлигини тизимли ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни амалга оширишга доир методик таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 3 августдаги 02/011-648-сон маълумотномаси). Натижада компетенциявий ёндашув асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган.

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнининг тузилмасини аниқлаштириш, яқин катталарнинг тарбиявий таъсирини мақбуллаштириш, тарбия жараёнига шахсга йўналтирилган, герменевтик ва психотерапевтик ёндашувларни адаптив қўллаш билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш, умумтаълим мактаби ва маҳалла ҳамкорлиги асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-профилактик хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 89-03-4160-сон маълумотномаси). Натижада нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда педагогик-психологик қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот доирасида қўлга киритилган илмий натижалар, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилди.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, 120 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида буюк алломаларимизнинг асарларида бола тарбияси ва уни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш заруратининг асосланиши, нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик асослари, нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги хорижий тажрибалар таҳлили ўрганилган.

Ижтимоий-педагогик адабиётларда оила-никоҳ муносабатлари, оилавий турмуш, оилада бола тарбияси билан боғлиқ муаммоларга бағишланган қатор ишлар мавжуд бўлиб, уларда ҳозирги оилавий тарбия учун қимматли ҳаётий ва илмий зарурият бўлиши ҳамда жамият манфаатлари ва талабига мос тушиши, ёшларнинг камолот йўлидаги шахсий муддаоларини англаб етиши зарур.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида оила ва оилада фарзанд тарбияси масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Буюк алломалар ва мутафаккирларимиздан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиёда яшаётган халқлар жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг миллий хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи, тарбиявий муҳити ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Мутафаккирларимиз оилани муқаддас даргоҳ деб билганлар, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «Яхши хотин дунёга кам келади», «Аёл бўлиш осон, лекин барча аёллик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий она бўлиш қийин». Оилада фарзанд тарбиясида ҳам аёлнинг ўрни муҳимдир, шу сабабдан турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги ўзгаришлар, унинг моддий маиший, иқтисодий

негизини ўрганиш бевосита онага боғлиқдир. Айниқса “нотўлиқ оила” аталмиш даргоҳда “ёлғиз аёл”нинг болалар тарбиясидаги, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдаги муҳим вазифалари жамият ҳамда келажак учун аҳамиятлидир. Бу масала бугунги кунда ҳам долзарб педагогик- психологик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг 97 фоизи оилаларга бирлашиб яшайди, қолган уч фоизи – яъни, ёлғиз қолган кексалар, ота-онадан етим бўлиб қолган ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, бошқа юртдан келиб вақтинчалик Ўзбекистонда истиқомат қилаётганлар ҳам оила аъзолари, яқинлари, юртдошлари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларидаги инсонпарвар одамларнинг меҳридан йироқ эмас. Шу маънода оила – инсон ўз бахти ва саодати, орзу-ҳаваслари, мурод-мақсадларини муштарак қилган ўзининг муқаддас макондир.

М.Х.Файзиева ўзининг тадқиқотида оила турлари, бир неча мезонларга қараб оиланинг таснифларга бўлиниши масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. Оила турлари қаторига эътибор берилса, барчасининг таркибида нотўлиқ оила мазмунини кўриш мумкин.

**Нотўлиқ оила** — ота-оналардан бирининг вафоти, ажралиши туфайли пайдо бўлган оила тури бўлиб, у функционал жиҳатдан нотўлиқ оила деб аталади, бу оила турида ота-оналарнинг ажрашиб кетишидан ташқари, бирор объектив ва субъектив сабаблар натижасида: беморлик, фавқулодда ҳодисалар, ўлим, меҳнат миграцияси туфайли эр ёки хотиннинг ўзга юртларда қолиб кетиши сабабли фарзанд тарбияси билан шуғулланмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учрайди.

**Нотўлиқ оила вазифалари** — оиланинг ижтимоий тизим сифатида жамиятда бажариши лозим бўлган вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган: оиланинг репродуктив, тарбиявий, иқтисодий, хўжалиқни юритиш, коммуникатив, ижтимоий назорат қилиш, рекреатив, жинсий тарбия, регулятив, релаксия, ҳиссий-эмоционал вазифаларидир.

Ижтимоий ҳаётда нотўлиқ оилаларнинг юқоридаги асосий вазифаларидан ташқари, бу оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдек муҳим масалаларини хал этишда янада улкан масъулият бор.

Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва инсон ижтимоийлашувини таъминлаш учун, энг аввало мазкур жараён моҳиятини тўла англаб олиш лозим. Шу боис “ижтимоийлаштириш” ва “ижтимоийлашув” тушунчаларининг луғавий маъносини ёритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Юқорида кўрсатилган ҳар икки тушунчанинг ўзагини луғавий нуқтаи назардан “ижтимоий” тушунчаси ташкил этиши ва ушбу тушунча лотинча “socialis” сўзидан олинган бўлиб, “умумий”, “жамоавий” деган маъноларни билдириши таъкидланади. Мазкур тушунчалар мантиқий нуқтаи назардан шарҳланганда, “инсонларнинг биргаликдаги ҳаёти, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳаракатларининг турли шакллари билан боғлиқ барча жиҳатлари” мазмунини англатади.

Шунга кўра, ижтимоийлаштириш инсонни таълим ва тарбия жараёнида ижтимоий муносабатлар субъектлари (атрофдагилар – оила аъзолари, тенгдошлар, микро ва макро муҳит аъзолари, жамоатчилик) билан бирга жамиятда ҳаёт кечиришга тайёрлаш, унда маълум ижтимоий тажрибаларни ҳосил қилиш демакдир.

Инсонни ижтимоийлаштириш узоқ муддатли, узлуксиз давом этувчи, кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, унинг бутун ҳаётини камраб олади ва бу жараёнда унда муайян билимлар, ижтимоий ахлоқ мезонларига риоя қилиш кўникмалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат муносабати шакллантирилади. М.А.Галагузова, Л.В.Коломийченко, М.А.Ковальчукларнинг қайд этишларича, инсоннинг ижтимоийлашуви гарчи унинг бутун ҳаёти давомида рўй берса-да, бу жараёнда энг қулай давр болалик ва ёшлик йиллари ҳисобланади. Зеро, айнан мана шу даврларда инсон ижтимоий меъёрларни ўзлаштиради, уларга амал қилиш кўникмаларига эга бўлади, ижтимоий муносабатларга киришиш ва уларни муваффақиятли ташкил этиш тажрибасини ўзлаштиради.

Шахс ижтимоий муҳитда ва унинг таъсирида шаклланади. Мазмуни ва моҳиятига кўра, ижтимоий муҳит шахснинг шаклланишига ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кўрсатилаётган таъсирнинг ижобий ва салбий бўлиши субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам, шунингдек, психологик яқинлик ҳамда ҳаётий мақсадлар ва эътиқодлар бирлиги ёки аксинча, бир-бирини тушунмаслик, бир-бирини қабул қила олмаслик, бир-бирини инкор этиш, бир-бирига тоқат қилмаслик (толерантлик ҳиссига эга эмаслик), шахсий қарашларнинг бир-бирига зидлиги, ҳаётий мақсад ва эътиқодлар ўртасидаги зиддиятларга боғлиқдир.


Тадқиқот ишида геронтопедагогиканинг тарбиявий ресурсларини ривожлантириш орқали кексаларнинг шахсий ҳаётий тажрибасини амалиётга татбиқ этиши, жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Бу борада кексалар билан ёшлар, ота-оналар билан фарзандлар, авлодлар ўртасидаги муносабатларни миллий қадриятларимиз руҳида ривожлантиришда ўзаро меҳр-оқибат, юксак даражадаги маданият, инсонийлик тамойилларининг аҳамияти илмий асосланди.

Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда геронтопедагогиканинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Тадқиқотда нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда геронтопедагогика намунаси, тажрибасидан, халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш йўллари, унинг мезонлари, технологиялари, педагогик имкониятлари таҳлил қилинди.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инсоннинг ижтимоийлашуви у томонидан маълум илмий билимлар ва ижтимоий ахлоқ мезонларининг ўзлаштирилиши, уларга амал қилиш кўникмалари ҳамда муайян ижтимоий тажрибага эга бўлиш, яъни инсонни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ижтимоий-педагогик фаолиятда эришилган натижа саналади.

Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнида салбий мазмундаги психологик, тиббий, ҳуқуқий ҳамда моддий хусусият касб этувчи ташқи ва ички таъсирларга қарши иммунитетни шакллантириш, уларга нисбатан бардошли қилиб тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида инсоннинг жисмоний ва руҳий камолоти, шу жумладан, ижтимоийлашувига куйидаги омилларнинг сезиларли даражада салбий таъсири кузатилмоқда (1-расмга қаранг).



**1-расм. Инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар**

Инсоннинг салбий таъсирларга бардошли бўлиши ва уларга қарши иммунитетга эгаллигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, уни ижтимоийлаштиришда ўйин, меҳнат ва таълим фаолиятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, биологик омиллар (ирсият), ижтимоий омиллар (микро (лотинча “mikros” “кичик”), мезо (лотинча “mesos” “ўрта”) ва макро (лотинча “makros” “катта”) омиллар)ни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Демак, инсонни ижтимоийлаштириш мураккаб, кўпқиррали ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, бу жараёнда у илмий билимлар, ахлоқ мезонлари ва ижтимоий тажрибани ўзлаштиради, уларга амал қилиш кўникмаларига эга бўлади. Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнига биологик ва ижтимоий омилларнинг кучли таъсирларини инобатга олиш лозим.

Ислом дини ғояларига кўра, сағирлар (яъни етим)ларга меҳр-шафқатли бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш катта савоб, аксинча, уларни хўрлаш, камситиш, шунингдек, етимлар ҳаққини ейиш гуноҳ саналади. Мазкур ғоялар ислом таълимотининг муқаддас манбаларидан бири бўлган ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, “Абу Хурайрага Расулуллоҳ (с.а.в.) ривоят қиладилар: “Бева хотинлар ва мискинлар рўзғорига (ёрдам қилиш учун)

ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ Таоло учун кундузи рўзадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилар савобига эгадир”.

Ўзбек халқи асрлар давомида турли сабабларга кўра, ота-онасидан ажралган етим болаларга, бева аёлларга, кам таъминланганларга инсонпарварлик муносабатида бўлиб келган. Бу инсонпарварлик атрофдагилар, шу жумладан, маҳалладагиларнинг болаларни ўз қарамоғига олганликларида, уларга меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат кўрсатишларида яққол ифодаланади. Тадқиқотни олиб бориш даврида аҳолининг турли қатламлари орасида суҳбатлар жараёнида ўзбек халқининг бу фазилати респондентлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Айрим Европа мамлакатлари (Польша, Германия), шунингдек, Россияда охириги йилларда кўзга ташланаётган яна бир ҳолат шуки, эрдан ажрашган ёки ёлғиз оналар ўзларидаги тарбия борасидаги масъулиятни соқит қилиш учун болаларини турли тарбия масканлари – болалар уйи, мактаб-интернатлар ёки туну-кун ишлайдиган болалар боғчаларига беришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳам нотўлиқ оилалар муҳитида кузатилаётган ўзига хос бир ҳолат бўлиб, буни оналар одатда ишда бандликлари ёки ўта жиддий иш билан машғулликлари, айрим ҳолларда, ўғай отага боланинг ёқмаётганлиги билан изоҳлайдилар. Бу тоифадаги оила «оила ташқарисида тарбияловчи» деб юритилади. Чет эл тадқиқотчилари мазкур масалани ўрганишда, асосан, онанинг ижтимоий меҳнатда бандлигига боғлиқ тарзда ёндашганликлари ва шу аснода она томонидан бажариладиган ролларни махсус тадқиқ этганликлари кузатилади. Отанинг бола тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш орқали нотўлиқ оила муаммосини ўрганиш биринчи марта Варга А.Н. томонидан ўтказилган. Унинг тадқиқотлардан чиқарган хулосаси шу бўлдики, ҳатто тўлиқ оилада ҳам отанинг бола тарбиясидаги нуфузи онаникидан паст бўлиши бола психологиясига ва хулқ-атворига сезиларли таъсир кўрсатади. Нотўлиқ оилада она тарбиясида бўлган бола психологиясида тўлиқ оиладагига нисбатан аниқ ўзгаришлар бўлмайди.

Англиялик психолог Т.Хипгрейв маълумотларига кўра, ёлғиз ота билан қолган нотўлиқ оилалар шу тоифали оилаларнинг атиги 12%инигина ташкил этаркан. Лекин ёлғиз она ва ёлғиз оталарга хос бўлган умумий ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Иккала ҳолатда ҳам катталар ўз ижтимоий муҳитини, одамлар билан мулоқот доирасини торайтиради. Иккинчидан, иккала ҳолатда ҳам оилада анча юмшоқ, болага нисбатан демократик муносабат устувор бўлади. Учинчидан, янгидан никоҳга кириш мураккаблашиб қолади, бунинг асосий сабабчиси сифатида фарзандларнинг борлиги кўрсатилган.

Рус олими А.И.Ушатиков тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги жинслараро психологик фарқлар, уларнинг бола тарбиясига таъсирини ўрганиб, шундай хулосага келади: оилавий можаролар ўғил ва қиз болаларга бир хил таъсир қилмайди, оилавий низолар ва оиланинг бўлиниб кетиши ўғил болаларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатишини аниқлаган.

Диссертациянинг **“Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик тизими”** деб номланган иккинчи бобида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга тизимли

ёндашув, нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг асосий йўналишлари ва самарали омиллари, нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлиги модели ҳақида фикр юритилган.

Мазкур педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш учун нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг қуйидаги педагогик механизми таклиф этилди. (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

### **Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмлари**

<b>Мақсади ва натижаси:</b> нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш ва ижтимоий ҳаётга ижобий муносабатни шакллантириш		
<b>Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг тамойиллари</b>		
тарбиянинг инсонпарварлиги; тарбиянинг маданиятга мувофиқлиги; тарбиянинг вариативлиги;	ижтимоий тарбиянинг жамоавийлиги; ижтимоий тарбиянинг биргаликдаги фаолият; тарбиянинг давомийлиги.	
<b>Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари</b>		
нотўлиқ оила билан алоқа ўрнатиш; нотўлиқ оилада тарбияланаётган бола билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш; оиланинг яшаш тарзи, интилишлари, қизиқишлари ва келажакдаги режаларини ўрганиш; оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш		
<b>Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мазмуни</b>		
<b>Ижтимоий-маиший йўналиш</b>	<b>Маданий-эстетик йўналиш</b>	<b>Спорт-соғломлаштириш йўналиши</b>
<b>Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш технологияси</b>		
<b>Қўлланиш соҳасига кўра:</b> глобал; минтақавий технологиялар. <b>Объектларга кўра:</b> гуруҳли, индивидуал технологиялар. <b>Ҳал қилинадиган вазифалар характери</b> га кўра: ташкилий; информацион; инновацион; ижтимоий моделлаштириш технологиялари.	<b>Методларни ўзлаштириш соҳасига кўра:</b> ижтимоий-психологик; ижтимоий-педагогик; ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш; ижтимоий вазиятларни ижтимоий-педагогик коррекция қилиш технологиялари. <b>Ижтимоий иш йўналишлари бўйича:</b> болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш; болаларнинг ижтимоий-педагогик реабилитацияси; ижтимоий адаптация; ижтимоий маслаҳат бериш.	
<b>Баҳоловчи-натижавий блок</b>		
Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнини мониторинги (кузатиш, анкета, ҳисобга олиш жадвалини ишлаб чиқиш), ижтимоий хулқ-автор меъёрларининг ўзлаштирилишини ташхис этиш		
<b>Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш компонентлари ва</b>		

кўрсаткичлари	
Компонентлари	Кўрсаткичлари
Ижтимоий муносабатларга киришиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга йўналтирилган когнитив компонент.	билимларнинг кенгайиши, чуқурлашуви, маънавий-ахлоқий кўникма ва малакаларнинг ривожланиши; фаолиятда ўзини кўрсатишга интилишни рағбатлантириш;
Муваффақиятга интилиш, ўз-ўзига ишонч, вазиятни таҳлил этиш ва мақбул қарорлар қабул қилишга йўналтирилган фаолиятга доир компонент.	муваффақиятга эришишга интилиш мотивининг шахс устувор хусусияти сифатида мустаҳкамланиши; касблар тўғрисида тасаввурларни кенгайтириш, касбга ва меҳнатга қизиқтириш; ўзини-ўзи баҳолашга ўргатиш;
Гуруҳий фаолиятда иштирок этиш, коммуникатив кўникмаларни шакллантиришга, эмоционал-қадриятларга йўналтирилган компонент.	катталар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилишга ижтимоий мотивларнинг пайдо бўлиши; ижтимоийлашув жараёнида талаб этиладиган ёшига мос шахсий фазилатларни шакллантириш; тенгдошлари билан маънавий-ахлоқий муносабатлар тажрибасини бойитиш.

Амалий-педагогик фаолиятнинг муайян дастур асосида тизимли, изчил ташкил этилиши нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда юқори самарадорликка эришишни кафолатлаши назарда тутилди. Шу сабабли дастлаб ижтимоий ҳаётга тайёрлаш бўйича “Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Назарий таҳлил натижаларига кўра айтиш мумкинки, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларга асосланилди. (2-расмга қаранг)



**2-расм. Нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар**

Манбаларни таҳлил қилиш, нотўлиқ оилалар болаларни фаолиятини ўрганиш ва кузатиш уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг объектив ва субъектив омиллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш имконини берди:

Объектив омилларга: оила аъзоларининг савияси, оиланинг таркиби, сони, моддий фаровонлиги, фарзандларининг таълим-тарбия муассасалари (болалар боғчалари, мактаб, лицей, интернат)га бориши, оиланинг уй-жой билан таъминланиш даражаси (ҳовлили, маҳалладаги уй, кўп қаватли уй) кабиларни киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ота-она ёки бошқа аъзоларнинг маълумот даражаси (ўрта, ўрта махсус, олий), ота-оналарнинг маънавий-маданий савия ҳислатлари, ота-онанинг муомала маданиятини ва шаклларини киритиш мумкин.

Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жамиятнинг етук аъзолари сифатида муҳим ижтимоий мақсадлардан бири бўлиб, мазкур жараёнда қуйидагилар устувор ўрин тутди:

таълим бериш (ўқувчилар онгида илмий билимларни ҳосил қилиш);

миллий ва умуминсоний кадриятлар, миллий истиқлол ғояси асосида ижтимоий-ғоявий эътиқод ва иммунитетни шакллантириш, дунёқарашни бойитиш;

маънавий-ахлоқий сифатлар (меҳнатсеварлик, одамийлик, тиришқоқлик, камтарлик, атрофдагиларга меҳр-муҳаббатли, раҳм-шафқатли, шунингдек, иймон-эътиқод, қатъий ирода ва мустаҳкам характер)ни тарбиялаш;

касбга йўналтириш (муайян касб-хунарлар сирлари, касбий фаолиятларнинг асосларини ўргатиш);

ижтимоий муносабатларни ташкил этиш (субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқа алмашув, жамоа аъзолари билан ҳамкорликда фаолият юритиш, ўзи мансуб бўлган гуруҳлар (микро, мезо ва макро гуруҳлар)нинг аъзолари билан руҳий бирликка эришиш)га тайёрлаш;

шахсий ҳамда атрофдагиларнинг саломатлигини муҳофазалаш малакалари (жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда, изчил, узлуксиз шуғулланишларига эришиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ҳосил қилиш);

ҳуқуқий маданият унсурлари (ижтимоий ахлоқ меъёрларига амал қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этмаслик, қонунбузарлик, жиноятчилик ва ижтимоий адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлиш)ни шакллантириш;

атроф-муҳит ва табиатга масъулиятли муносабатни қарор топтириш;

психологик хизматни ташкил этиш (психологик толиқиш ва зўриқишни бартараф этиш, руҳий тетиклик, келажакка ишонч ҳиссига эга бўлиш, шунингдек, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш кутилган натижаларни кўлга киритиш имконини беради.

Нотўлиқ оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти мураккаб кўринишга эга бўлиб, тадқиқотда мазкур жараён самарадорлигини оширишга қаратилган Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти модели ишлаб чиқилди:

**Шахсни ижтимоийлаштиришнинг асосий субъектлари сифатида ўқитувчилар ва нотўлиқ оилаларнинг ўзаро хайрихоҳлиги ҳамда ҳамкорлигини таъминлайдиган яхлит педагогик муҳитни шакллантириш**

<b>Методологик блок</b>	<b>Мақсад:</b> Нотўлиқ оила ва мактаб ҳамкорлигининг педагогик таъминотини яратиш				
	Вазифалар	Мактаб ва нотўлиқ оилаларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш	Ўқувчи шахсини яхлит ривожлантириш мақсадида ўқитувчилар ва нотўлиқ оилаларнинг биргаликдаги фаолияти ҳамда юзага келадиган қийинчиликларни таҳлил этиш	Педагогик ҳамкорлик субъектларида билиш фаоллиги, турфа хил қизиқишлар, масъулият ҳисси, ўзини-ўзи назорат қилиш, ҳурмат ва сабрлиликни ривожлантиришга эришиш	
<b>Амалий блок</b>	<b>Босқичлари</b>	1. Мотивацион. 2. Коммуникатив-фаолиятли. 3. Рефлексив			
	Мазмуни ва ташкилий шарт-шароитлар	1. Интерфаоллик (таълим жараёнининг асосий субъектлари сифатида ўқитувчи ва нотўлиқ оилаларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти). 2. Маданият билан уйғунлик (ижтимоий-маданий муҳити, шунингдек, ўқитувчи ва нотўлиқ оила аъзоларининг маданияти). 3. Лойиҳалаш (таълим муҳити ва оиланинг ўзига хосликлари билан алоқадорлиги). 4. Мажмуавийлик (махалла, мактаб ҳамкорлиги, дин ишлари бўйича мутахассислар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунос ва психолог иштирокидаги суҳбат ва учрашувлар)			
<b>Баҳолови-нативажавий блок</b>	<b>Мезонлари</b>	Мотивацион	Коммуникатив-фаолиятга доир	Когнитив	Рефлексив
	<b>Кўрсаткичлари</b>	Ҳамкорликка мактаб ва нотўлиқ оилаларнинг интилиши ҳамда ижобий муносабати	Синф раҳбар, психолог ва нотўлиқ оилаларнинг қарашларининг мослиги, шунингдек, уларнинг ҳамкорликда бола хулқ-атворини ахлоқий меъёрийлигини таъминлаш ва уни амалга ошириш	Ўқитувчилар ва нотўлиқ оилаларнинг педагогик фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштириши. Бола иқтидорини ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш	Мазкур жараёни такомиллаштириш учун оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти моделининг амалга оширилиши даражасини таҳлил қилиш
	<b>Даражалари</b>	Юқори, ўрта, паст			
	<b>Натижа</b>	Мактаб ва нотўлиқ оилаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида ижтимоийлашуви таъминоти яратилди			

**2-жадвал. Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти модели**

Нотўлиқ оила ва мактаб ҳамкорлигининг мураккаблиги ва кўп ўлчамга эгаллигини ҳисобга олиб, ҳар бир даража учун кўрсаткичлар аниқлаштирилди.

Диссертациянинг “**Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид тажриба-синов ишлари самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни, нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг натижалари ва унинг самарадорлик даражаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тажриба майдонлари сифатида Фарғона (Қўқон шаҳри), Андижон ва Наманган вилоятларида яшовчи нотўлиқ оилалар танланди. Тажриба базаси бўлган нотўлиқ оила болаларидан синов ишларига жалб этилган респондентларнинг сони жами 214 нафарни ташкил этди (3-жадвалга қаранг):

### 3-жадвал

#### Тажриба майдонлари сифатида белгиланган нотўлиқ оилалар ва респондент-болалар сони

№	Вилоятлар	Туман ва шаҳарлар	Нотўлиқ оила болалари сони
1	Наманган	Наманган шаҳар	41
		Учқўрғон тумани	32
2	Андижон	Андижон шаҳар	36
		Избоскан туман	34
3	Фарғона	Қўқон шаҳар	38
		Ёзёвон туман	33
	Жами:		214

Нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид махсус методикани амалиётга татбиқ этиш, унинг амалиёт учун мослиги ва самарадорлигини текшириш мақсадида жами респондентлар тасодифий танлов асосида тажриба-синовга жалб этилдилар. Натижада тажрибага бириктирилган респондентларнинг сони аниқланди.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳам моҳиятига кўра бир неча гуруҳларга бўлиниши мумкин. Жумладан:

1) мактаб, маҳалла доирасида амалга оширилувчи (маъруза, амалий семинар, конференция, учрашув, суҳбат, давра суҳбати, кеча, ҳафталик ва бошқа шакллардаги) тадбирлар;

2) маҳаллалараро ташкил этилувчи (кўрик-танлов, мусобақа (спорт ўйинлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича), амалий семинар, конференция ва ҳоказо шакллардаги) тадбирлар;

3) республика миқёсида амалга оширилувчи (форум, манифест, фестивал, акция (“Тўрт марта йўқ!” акцияси каби) ва бошқа шакллардаги) тадбирлар.

Тарбиявий тадбирлар учун материал танлашда қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

1. Нотўлиқ оила болаларини фаолияти ва руҳий ҳолатларига мослиги.

2. Нотўлиқ оилаларнинг шахсий имкониятлари ва таълим муассасаси йўналишига мослиги.

3. Болаларнинг ақлий заковати, ҳиссиёти, иродаси, маънавий дунёси ва амалий фаолиятига таъсири.

4. Маънавий маданиятнинг барча қирраларини ўзида мужассам этиши.

5. Таълим олувчиларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш имкониятлари.

6. Мақбуллиги, ишончлилиги, тарихий изчиллиги.

7. Миллий қадриятларнинг ўрни.

8. Дарсда ўрганилган мавзуларни мустаҳкамлаш, тўлдириш, чуқурлаштиришга хизмат қилиши

9. Нотўлиқ оила болаларида ижобий маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда нотўлиқ оила фаолиятига татбиқ этиш учун тавсия этилган методиканинг амалиётига мослигини ўрганиш муҳимдир. Методиканинг амалиётга мослигини қисман шакллантирувчи тажриба даврида респондентлар билан ишлаш, ота-она ва ўқитувчилар билан суҳбатлашиш даврида ҳам аниқлаш имконияти юзага келади. Бироқ нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид методиканинг самарадорлигини таъкидловчи тажриба даврида қўлга киритилган натижаларни асословчи тажриба кўрсаткичлари билан ўзаро қиёсий солиштириш, математик-статистик таҳлил асосидагина объектив баҳолаш мумкин. Айнан яқуний тажриба босқичи кўрсаткичлари ҳамда уларнинг статистик таҳлили нафақат синов ишлари, шу билан бирга тадқиқотнинг илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ҳам тасдиқловчи асос бўлиб хизмат қилади.

Шу боис тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид дастур самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди.

Нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги қуйидаги методлар ёрдамида аниқланди:

суҳбат;

савол-жавоб;

амалий машқ;

тренинг;

тест;

педагогик кузатиш;

респондентлар томонидан қайд этилган натижаларни таҳлил қилиш;

нотўлиқ оила болалари томонидан кўрсатилган натижаларни ўзаро солиштириш;

